

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 868-ҳадис

868Б/1824 – وَعَنْهُ فِي رِوَايَةٍ: أَنَّهُمْ أَتَوْا رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «أَمِنَكُمْ أَحَدٌ أَمْرُهُ

أَنْ يَحْمِلَ عَلَيْهَا أَوْ أَشَارَ إِلَيْهَا؟» قَالُوا: لَا. قَالَ: «فَكُلُّوا مَا بَقِيَ مِنْ حَمِيمِهَا».

868Б.1824. Абдуллоҳ ибн Абу Қатодага отаси розияллоҳу анҳу шундай хабар беради:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳажни ният қилиб, йўлга чиқдилар. У зот билан бирга улар (саҳобалар) ҳам йўлга чиқишди. У зот улардан бир гуруҳини – уларнинг ичида Абу Қатода ҳам бор эди – бошқа томонга буриб: **«Учрашгунимизча денгиз соҳили бўйлаб юринг»**, дедилар. Улар денгиз соҳили бўйлаб йўлга тушишди. (Масофани) босиб ўтгач, барчалари эҳром боғлашди. Фақат Абу Қатода эҳром боғламади. Юриб кетаётиб, тўсатдан зебраларни кўриб қолишди. Шунда Абу Қатода зебраларга ҳамла қилиб, бир урғочи зебрани жароҳатлади. Кейин улар тушиб, унинг гўшtidан ейишди, бироқ «Эҳромда бўла туриб, ов гўшти еймизми?» деб қолишди. Мазкур урғочи зебранинг қолган гўштини (ўзимиз билан) олдик. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келишгач, «Эй Аллоҳнинг Расули, биз эҳром боғлаган эдик, Абу Қатода эҳром боғламаган эди. Зебраларни кўриб қолдик. Абу Қатода уларга ҳамла қилиб, бир урғочи зебрани жароҳатлади. Биз ҳам тушиб, унинг гўшtidан едик-да, сўнг: «Эҳромда бўла туриб, ов гўшти еймизми?» деб қолдик. Унинг қолган гўштини ҳам олиб келдик», дейишди. У зот: **«Сизлардан бирор киши уни унга (зебрага) ҳамла қилишга ундадими? Ёки унга ишора қилдими?»** дедилар. Улар: «Йўқ», дейишди. У зот: **«Қолган гўштини ҳам еяверинглар»**, дедилар».

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVAT MARVARIDLARI

